8 (558)
2007 йил 21 февраль
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
Маҳалладош саломат бўлсин!
Ижтимоий ҳимоя: имкониятларимиз салмоғи кенг

3
«Саодат чамани» маслаҳатчилар учун
Ёлланганлар дарё бўйида йиғлади...

4
Яхши ҳунарманд — юрт довруғи
Шафтоли саватидан бошланган ўйин

Қашқадарё вилояти

ЮРТ ОБОД — КЎНГИЛ ОБОД

Вилоятда Наврўз умумхалқ байрамига ҳозирлик кўриш ишлари сирасига кирувчи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлиги тадбирлари бошланиб кетди.

Ўтган шанба ва якшанба кунлари ҳашар уюштирилиб турар-жой бинолари, мактаб, коллеж, лицей, корхона, ташкилот ва муассасалар атрофи тозаланиб, ободонлаштирилди. Барча суғориш тармоқлари тартибга келтирилди. Кўча ва йўл четларига кўчатлар ўтқазилиб, кенг кўламда кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Боғларга ишлов берилиб, дарахтлар тартибга келтирилди, таналари оқланди. Бир сўз билан айтганда, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни юксалтириш ҳамда Наврўз байрамига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этиладиган бу каби ишлар ҳар бир гўшада уюшқоқлик билан ўтди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Пушмон қишлоғи аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди. Энди уларнинг касалликни аниқлаш мақсадида биокимёвий таҳлил ёки электрокардиограмма учун туман марказий касалхонасига қатнашига ҳожат қолмади.

Икки ярим мингга яқин кишига хизмат кўрсатувчи Пушмон қишлоқ врачлик пунктига хорижда ишлаб чиқарилган ЭКГ, фотокалориметр, турли жарроҳлик асбоблари етказиб берилди.

Умуман олганда, "Саломатлик-2" лойиҳасига асосан тумандаги 29 та қишлоқ врачлик пунктига сўнгги русумдаги тиббий ускуналар келтирилди.

— 2006 йилнинг кузида 327 та қишлоқ врачлик пунктига 289 миллион сўмлик жиҳозлар олиб келинган эди, — дейди Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маҳмуд Обидов. — Яқинда яна 976 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ажратилди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири

ЯНГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Андижон вилояти

Ўтган йили Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Андижон вилояти филиали томонидан 18 та спорт иншоотини янгидан қуриш ва қайта таъмирлаш режалаштирилган эди. Ушбу иншоотларнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Бу иш учун қарийб 1 миллиард 320 миллион сўм маблағ сарфланди.

Улуғнор туманидаги 19, Балиқчи туманидаги 34, Андижон туманидаги 39-мактабларда ишга туширилган болалар спорт мажмуалари шулар жумласидан. Бу ерда ўқувчиларнинг ўзлари қизиққан спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Шунингдек, жорий йилда фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари учун Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 217 миллион сўмликдан зиёд спорт жиҳозлари ва анжомлари ажратилиб, жойларга етказиб берилди. Бинобарин, спорт билан шуғулланаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига умумий қиймати 127 миллион сўмликдан зиёд — 2280 тўплам спорт кийимлари совға қилинди.



СУРАТЛАРДА: *Улуғнор туманидаги 19, Балиқчи туманидаги 34 ҳамда Андижон туманидаги 39-мактаблар ўқувчилари замонавий спорт иншоотларида машғулотлар ўтказишаяпти.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида спортнинг стол тенниси бўйича Қорақалпоғистон биринчилиги бўлиб ўтди.

КУРАШДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Унда 100 дан ортиқ ёшлар 4 кун давомида муросасиз кураш олиб боришди. Ҳақиқатан ҳам ғолиблик учун курашда мусобақа иштирокчиларидан ҳеч бири четда қолмади. Пировардида нуфузли ҳакамлар йигитлар ўртасида Олимпия захиралари коллежи талабаси Бахтиёр Хонкелдиевни, қизлар орасида Чимбой тумани вакили Олтиной Емберганови ғолиб деб топди.

Шунингдек, Тахиатош шаҳрида 1990-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган оғир атлетика бўйича Қорақалпоғистон биринчилигида ҳам ғолиблик учун кураш муросасиз бўлди.

Бу тадбирлар спортнинг кун сайин оммавийлашиб бораётганидан дарак беради.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Наманган вилояти

БОЛАЛАР УЗОҚҚА ҚАТНАМАЙДИ

чунки энди ўз маҳаллаларида ҳам спорт мажмуаси бор

Норин туманидаги Усмон Юсупов номли маҳалла ёшлари энди спорт билан шуғулланиш учун Хаққулобод шаҳри марказига қатнаш заҳматидан қутулдилар. Боиси, шу ернинг ўзида улар учун мўъжаз спорт мажмуаси иш бошлади.

Маҳалла ҳудудидаги қаровсиз ётган бино туман ҳокимлиги ташаббуси билан тўлиқ таъмирланди. 30 миллион сўм маблағ сарфланган таъмирлаш ишлари "Ўзқишлоққурилиш" корхонасининг тумандаги бўлинмаси томонидан қисқа фурсатда сифатли бажарилди. Маҳаллада яшовчи меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирокида спорт мажмуаси тантанали тарзда очилди. Ушбу тадбирда туман ҳокими Ўктамжон Эргашев қатнашиб, қўли гул қурувчиларга миннатдорчилик билдирди.

Энди болалар ва ўсмирлар тажрибали мураббийлар раҳнамолигида спортнинг юнон-рум кураши, бадиий гимнастика ва бошқа турлари билан шуғулланмоқдалар.

Содиқ САЙҲУН,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

СУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Вилоятда турли миллий маданият марказларининг саъй-ҳаракатлари билан юртдошларимиз ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Навоий шаҳридаги Маданият ва санъат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида ташкил этилган мазкур суратлар кўргазмасида турли миллат ва элатларга хос урф-одат ва қадриятларга бағишланган бадиий асарлар намойиш этилди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Сурхондарё вилояти

Ангор тумани марказий шифохонасининг туғруқхона бўлимига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан таъсис этилган "Соғлом оила лойиҳаси"нинг "Болага дўстона муносабатда бўлаётган шифохона" сертификати берилди.

ЭЪТИРОФ ИФОДАСИ

— Саксон ўринли туғруқхонамиз сифатли таъмирланиб, замонавий анжомлар билан жиҳозланган, — дейди марказий шифохона бўлими бошлиғи Ҳалима Ёдгорова. — Оналар ва болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Шифокорларимиз ёш оналарга гўдак парвариши ҳамда репродуктив саломатликка доир тушунча ва билимлар беришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Фарғона вилояти

"ИФФАТЛИ КЕЛИН" — иш бошлади

унинг тингловчилари сони 500 нафарга яқин

Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Иффатли келин" ўқув маркази ташкил қилинди. Бу ерда 5 нафар малакали мутахассис томонидан тингловчиларга бичиш-тикиш, соч турмаклаш, пазандалик санъати каби 19 та йўналиш бўйича ҳунар ўргатилади.

— Ушбу марказни ташкил қилишдан асосий мақсад вилоятимиз ҳотин-қизларини турли касб-ҳунарга ўргатиш, — дейди марказ ташкилотчиси Наргизахон Йўлдошева. — Бу ерда, қизларга нафақат касб-ҳунар ўргатилади, балки оила бекаси бўлишлари учун керакли маслаҳатлар ҳам бериб борилади.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасида

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ: МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ролини кучайтириш" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, республикадаги турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, идора ва вазирликлар мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Семинарни қўмита раиси А.Х.Саидов кириш сўзи билан очди.

Нотиқ ўз сўзида Давлатимиз раҳбари томонидан 2007 йилнинг ўзига хос йўналиши саналган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарор мазмун-моҳияти ҳақида тўхталди.

Мазкур қарорда жорий 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Давоми 2-саҳифада

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар халқимиз томонидан асрлар давомида асраб-авайлаб келинмоқда.

Бу қутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётганини, айниқса, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек, минг-минглаб ноёб қўлёзмалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда бу савобли ишга ҳисса қўшиш ва унда иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармаси таъсис этилгани маълумот учун қабул қилинсин ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Жамғарманинг мамлакатимиздаги ташкилотлар, идоралар, корхоналар, тижорат банклари ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи иловага мувофиқ эътиборга олинсин.

2. Жамғарма Ҳазрати Имом мажмуасида қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган даврда буюртмачи сифатида фаолият юритиши, унинг асосий вазифаси мажмуа ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашиш учун зарур маблағларни тўплаш ва уларнинг мақсадли равишда сарфланишини таъминлашдан иборат экани белгилаб қўйилсин.

3. Жамғарма нотижорат ташкилот бўлиб, унга нотижорат ташкилотлар учун қонунчиликда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 15 кун муддатда Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг Низомини ўрнатилган тартибда рўйхатга олсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ҳазрати Имом мажмуасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш, ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 февраль

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасида

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ: МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

"Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масалалари — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим, "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор..."

Ислом КАРИМОВ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Аввало, 2007 йилнинг давлат бюджетида аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун ажратиладиган маблағ ўтган йилгига нисбатан анча ошириб белгиланганлиги бу борада давлат, айниқса, Юртбошимизнинг асосий ташаббускор ва амалиётчиликда намуна бўлаётганлигига бир далил. Айтиш жоизки, ана шу вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда шу соҳадаги ишларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли айниқса, беқиёс бўлиши эътиборда тутилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғами, ташвишларини яқиндан ўрганиб, ижтимоий ҳимояни йўлга қўйиш лозим, дея уқтирди. Шу боис, мамлакатимизда амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўз навбатида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида маҳаллаларнинг ролини ошириш, бунинг учун эса, унинг қонуний асосдаги ваколатларидан, халқимизнинг жамоатчилик тажрибаларидан бугунги талабларга мослашган ҳолда фойдаланиб иш кўриш ҳам талаб этилмоқда. Семинарда, хусусан, маъруза ва баҳс-мунозаралар давомида ушбу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратилди.

Қуйида семинардаги маърузаларнинг қисқача тафсилотини муштарийлар эътиборига ҳавола этамиз.

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
"Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.

"КАМОЛОТ"НИНГ МАҲАЛЛАДАГИ ЮМУШИ

Унинг бу юмуши шубҳасиз ушбу йилда ижтимоий ҳимояга ҳам қаратилиб борилади.

Мамлакатимизда келажак авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг хизмати ва ҳиссаси беқиёс.

Ҳаракат бугунги кунга келиб ўз атрофида 4,6 миллион нафар ёшларни бирлаштирди. Бу ёшлар ҳам мамлакатимизнинг барча фуқаролари сингари маҳаллаларда яшашади.

Айтиш жоизки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати нафақат ўз аъзолари, балки барча ёшлар билан маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий, спорт йўналишларида иш олиб боради. Хусусан, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида учраб турадиган турли иллатларга қарши курашиш мақсадида "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда қўшма дастур имзоланди. Дастурда маҳалла ёшлари билан турли жабҳада олиб бориладиган ишлар — хоҳ у спорт соҳаси бўлсин, хоҳ маънавий соҳа, барчаси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Шунингдек, маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган Ёшлар билан ишлаш комиссияси ишини янада такомиллаштириш ва ёшлар орасида нуфузини ошириш мақсадида айни кунларда "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда қўшма қарор лойиҳаси тайёрланаяпти. Ушбу қўшма қарорга биноан фуқаролар йиғинлари қошида тузилган Ёшлар билан ишлаш комиссияси раисига маҳалла оқсоқолининг ёшлар масаласи бўйича ўринбосари нуфузини бериш, бу йўл билан уларнинг фаолиятига кенг ваколат бериш ва имконият яратиш мақсад қилиб қўйилган.

Маҳалла ёшлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларнинг оммавий спорт турлари билан шуғулланишларига шарт-шароит яратиш мақсадида Ҳаракат томонидан ҳашар йўли билан 765 та спорт майдончалари ташкил этилди. Бир неча йилдан буён "Камолот" кубоги учун спортнинг волейбол ва баскетбол турлари бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолиси орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш авлод вакиллари ҳам бор. Ота-онасиз, ўзгалар қарамоғида бўлган болалар ва ўсмирлар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, касалманд, ногирон болалар, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари шулар жумласидан. Биз "Камолот" фаолиятида ана шундай ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатамиз, ижтимоий муҳофазасини таъминлаймиз. Зотан, йил дастурида ҳам бу хусусда алоҳида вазифалар белгиланган. Ўз-ўзидан равшанки, бу ўринда ҳам маҳаллалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишимиз талаб этилади.

Қисқа қилиб айтганда, "Камолот" Ўзбекистон ёшлари ҳамиша ишонч билан таянадиган, ўз ҳаётини "Камолот"сиз тасаввур қила олмайдиган ташкилот бўлиб қолиши лозим. Токи талаба ёки ўқувчи, қишлоқ ёки шаҳар боласи, ёш мутахассис ёки ишсиз, етим ёки ногирон, истеъдодли ёки ижодкор ёш, борингки, аскар ҳам ҳамма вақт, ҳар қандай ҳолатда унга суянсин, ундан мадад ва кўмак олсин. Бунинг учун "Камолот" ўз фаолиятини энг аввало, маҳаллада жонлантириши ва ривожлантириши зарур.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ҲИНДИСТОНДАГИ ҚЎПОРУВЧИЛИК

РАТА-ТАСС тарқатган хабарга қараганда, Ҳиндистонда йўловчи поездига ўрнатилган бир нечта қўлбола бомба портлаган. Дастлабки маълумотларга кўра, фожиа оқибатида етмишга яқин одам ҳаётдан кўз юмган. Воқеа Нью-Дехли шаҳридан юз километр наридаги Дивана станцияси яқинида содир бўлган.

Вагонлар текшириб кўрилганда, портламай қолган яна учта бомба топилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жиноятчилар бундан ҳам каттароқ қўпорувчилик ҳаракатини режалаштирган экан.

Ҳаётдан кўз юмганлар орасида Покистон фуқаролари ҳам борлиги тахмин қилинмоқда. Йиғирмага яқин жабрдийда яқин-атрофдаги шифохонага жўнатилган. Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлиги вакили Шившанкар Меноннинг маълум қилишича, ҳалок бўлган ва жароҳатланган хориж фуқароларининг Ҳиндистонга келмоқчи бўлган оила аъзолари ва яқинларига зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатилади.

Ҳафтасига икки марта Нью-Дехли – Лаҳор йўналиши бўйича қатновчи поездга Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги дўстлик рамзи сифатида қаралади. Мазкур йўналиш ўтган асрнинг етмишинчи йилларида очилган. 1990 йиллардаги узилишдан сўнг 2004 йилдан яна фаолият бошлаган эди.

Кузатувчиларнинг фикрича, содир этилган қўпорувчиликдан кўзланган асосий мақсад Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига тўсқинлик қилишдир. 20 февралда Нью-Дехлига Покистон ташқи ишлар вазири Хуршид Маҳмуд Кусурийнинг келиши кутилмоқда. Учрашувлар чоғида томонлар терроризмга қарши курашда ҳамкорлик масалалари бўйича музокаралар ўтказади.

Орифжон ТУРОПОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

МАҲАЛЛАНИНГ МОДДИЙ ИМКОНИЯТИ

У қанча мустаҳкам бўлса, ижтимоий ҳимояга шунча кенг замин яратилади

Маълумки, ижтимоий ҳимоя мамлакатимиз сиёсатида янгилик эмас. Шунингдек, бу ўринда фуқаролар йиғинлари, хусусан, маҳаллаларнинг ўзига хос роль ўйнаб келаётганига ҳам анча бўлди.

1994 йил 23 августдаёқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари.

Шу сананинг ўзида Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ кам даромадли оилаларга ҳар ойда моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғинлари, йиғин ўтказиш имкони бўлмаганда вакиллар йиғини томонидан қабул қилинадиган бўлди.

Шу тариқа, ижтимоий ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда фуқаролар йиғинининг ўрни ва роли расман белгиланди.

1996 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги Фармони чиқди ва унга асосан 1997 йил 1 январдан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар маҳалла фуқаролар йиғини, таркибида маҳалласи бўлмаган ҳолда шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини қарори билан тайинланадиган бўлди. Бу ҳақда 1996 йил 10 декабрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус қарор қабул қилинди ва ушбу қарор билан "Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида Низом" тасдиқланди. Ушбу Низомда маҳаллалар томонидан оилаларга нафақа бериш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, ошкораликни таъминлаш, ажратилган маблағнинг манзилли бўлиши шартлиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида"ги Фармонига асосан, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича ишламайдиган оналарга маҳаллалар орқали бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса 200 фоизи миқдорида белгиланди. Шунингдек, 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилалар ҳам шу тоифага қўшимча равишда киритилди. Бу ҳужжатларнинг моҳиятини англаш учун маълумотларга бир назар ташлаш лозим бўлади.

Ўтган йил давомида 293 минг 900 та оила фуқароларнинг ўзини бошқариш органларига ёрдам сўраб мурожаат қилган ва улардан 264 минг 800 тасига 12,25 млрд. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ўтган йил давомида 1 млн. 710 минг 800 та кўп болали оилага 147,92 млрд. сўм, 463 минг 265 нафар 2 ёшгача боласи бўлган ишламайдиган оналарга 118,3 млрд.сўм миқдорида нафақа тўланган.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, хулоса қилсак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳаллалар томонидан ночор, моддий ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган ва бу борада етарли даражада тажрибага эга бўлинган бўлса-да, мавжуд қонуний ва меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этувчи институтлардан бири ҳисобланади. Уларнинг ташкилий-ҳуқуқий ва моддий асосларини яратишга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар кўрилди, керакли қонунлар қабул қилинди. Бу ҳамма маҳаллалар ҳам фуқаролик жамиятининг том маънодаги институти сифатида тўла фаолият кўрсатмоқда, дегани эмас. Зеро, Президентимизнинг 2005 йил 23 июндаги "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, ***"Фақат эркин, мустақил, етарлича молиявий маблағларга ҳамда мустақил молиялаштириш манбаларига эга бўлган фуқаролик институтларигина ўз зиммаларидаги вазифаларни самарали бажара олиши мумкин".***

Бу ҳолат тўғридан-тўғри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам тегишлидир. Ҳақиқатдан ҳам маҳалланинг моддий ва молиявий асоси қанча мустаҳкам бўлса, у бошқаларга қарам бўлмасдан эркин ва мустақил фаолият олиб боради ва муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга маҳаллаларнинг ўзида замин яратилади.

СУРАТДА: *маҳалла фаоллари ногирон яшайдиган оилага келишди.*

Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган қатор давлат дастурлари аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши масалаларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.

ҚЎМИТА ИШИНИ ЙИҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Таъкидлаш лозимки, ушбу давлат дастурларини амалга ошириш орқали мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларининг моддий-техника базаси яхшиланди. Жумладан, республиканинг 11 ҳудудида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган "Скрининг марказлари" фаолият кўрсатмоқда. Финляндия кредити ҳисобига жиҳозланган Республика Перинатал маркази ишга туширилди. Оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг филиаллари очилди. Республикамизнинг барча вилоятларида "Репродуктив саломатлик" марказлари аёллар саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилиб келмоқда.

Шунингдек, вилоятларда замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт иншоотлари ва спорт майдончалари қурилиб, ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам кўпгина амалий ишларни, она ва бола, ногирон, кекса, пенсионер, наинки барча ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун эътиборни кучайтиришни талаб этади.

Лекин, амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар билан бир қаторда, муаммо ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Жумладан, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш борасида муайян тадбирлар амалга оширилишига қарамай, аёлларда экстрагенитал, гинекологик ва онкологик касалликлар кўрсаткичи юқорилигича қолмоқда. Республикамизнинг айрим вилоятларида болалар ногиронлиги кўп учрамоқда.

Айни пайтда қўмитамиз томонидан "Мадад" суғурта агентлиги ёрдамида 4 мингта тикув машинаси келтирилиб, айнан қишлоқ жойлардаги аёлларни уй меҳнатига жалб этиш ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида ажратиб берилмоқда.

Бундан ташқари, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки филиаллари ва мини банклари орқали кўплаб хотин-қизларимиз "Микрокредитбанк"нинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиб, ўз бизнесларини йўлга қўйиш ва шу орқали оилавий даромадларини орттириш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, ўтган йилда тадбиркор аёлларга 42 млрд. 102 млн. сўм миқдорида кредит ажратилгани фикримиз исботи. Табиийки, ана шу саъй-ҳаракатларимизни фуқаролар йиғинларининг кўмагисиз амалга ошириб бўлмайди. Шу боис, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ёрдамида ҳамда ўзаро ҳамкорликда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жорий Ижтимоий ҳимоя йилида маҳаллалар билан ҳамкорликдаги тадбирларимиз кўлами янада кенгайиши тайин. Негаки, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ёндошувни кучайтириш ҳамда хотин-қизларимизни ижтимоий муҳофаза қилишда бевосита маҳаллалар билан ҳамкорликда иш юритамиз. Ўйлайманки, жорий йилда бу соҳада кўзланган мақсадларимиз самараси юқори бўлади.

Асомиддин КОМИЛОВ,
Республика Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — ЮРТ САЛОҲИЯТИ

бу салоҳиятни юксалтиришда тиббиёт тизимининг ҳамкорларидан бири фуқаролар йиғинларидир

1998 йилда республикамиз Президенти томонидан Соғлиқни сақлаш тизимида ўз миллий моделимизни босқичма-босқич шакллантириш тўғрисида давлат дастури қабул қилинган эди. Ушбу дастур бизнинг бу борадаги фаолиятимизда бош режа, қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда.

Кейинги йиллар давомида соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор йўналишларда ислоҳотлар амалга оширилди. Бу йўналишлар соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига янгича ёндошув, юртимиз қишлоқларида бирламчи тиббий хизмат даражасини шаҳарлардагига тенглаштириш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилашда амалий натижаларга эришиш, туғилаётган авлод соғломлигини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, барча маъмурий-ҳудудий қатламлардаги аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишда янгича иш услубини ишлаб чиқиш, соҳа фаолиятида ўрнашиб қолган эскича қолиплардан воз кечиш, шунингдек, хусусий ва пуллик тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали тизимни молиялаштириш имкониятларини янада кенгайтириш кабилардан иборатдир.

Мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи йилдан-йилга ортиб бораётганини, кейинги ўн йил давомида ўлим ҳолатлари умумий ҳисобда 22 фоизга, гўдаклар ўлими 68 фоизга, оналар ўлими 38 фоизга камайгани ҳолда туғилиш даражаси 1,5 баробар ошганини юртимизда аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бориши ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошган ислоҳотлар самараси дея эътироф этишимиз мумкин. Бундай ижобий ўзгаришлар, юртимизда демографик ўсиш учун қулай шароит мавжудлиги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа бир қатор нуфузли хорижий ташкилотлар томонидан тан олиниб, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими фаолияти қўшни мамлакатлар, хусусан, россиялик ҳамкасбларимизнинг эътирофига эришди.

Тизим фаолиятини молиялаштиришда давлат бюджети маблағини энг аввало, тизимнинг бошланғич бўғинларига йўналтириш, бунинг натижасида нисбатан анча қимматга тушадиган профилактик касалхоналарда ётиб даволаниш ўрнига амбулатория-шифохоналар хизмати самарадорлигини оширишга эришиш, халқона айтганда, касални даволашдан, унинг олдини олиш осонроқ эканини аҳолига етказиш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш энг муҳим мақсадларимиздан биридир. Бу ишда маҳалла йиғинларини бизнинг энг яқин ҳамкоримиз, ҳаммаслагимиз деб биламиз. Аҳоли ўртасида, оилаларда оналар ва болалар, умуман инсонларнинг ўз саломатлигига масъулият ҳиссини тарбиялаш борасида фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз яхши самара бермоқда. Шу маънода ўтган 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида нафақат тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш, балки бу соҳа тараққиётига ҳомийларни имкон қадар кўпроқ жалб этишга ҳам эътибор қаратилди. Айни кунда тизимда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлардан бири умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ҳамда қишлоқ ҳудудларда тиббий хизмат даражасини кўтаришдир. Мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 10 ноябрда имзолаган аҳолига бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш ишларини яхшилаш борасидаги Фармони самараси ўлароқ, айни кунда Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятларда 2600 нафар қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритмоқда.

Бу ўринда энг аввало шуни эътироф этиш жоизки, давлатимиз, шахсан Президентимиз томонидан мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, юртимизда тиббий хизмат даражасини кўтаришга алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас — бутун дунёда бу борада кўрсаткичлар мамлакат қудрати ва салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Қолаверса, бу ҳам аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг бир кўринишидир. Жорий, Ижтимоий ҳимоя йилида ушбу йўналишдаги изланишларимиз, ҳаракатларимиз янада кенгаяди, қизғинлашади. Албатта, бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда аҳолининг ижтимоий муҳофазага, яъни имтиёзли тиббий хизматга эҳтиёжманд қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундай эҳтиёжманд кишиларни аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатилишини тезлаштириш жараёнида эса биз, албатта, жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ёрдамига суянамиз.

Маҳаллани ким қандай тушунади?

МУРУВВАТ РУҲИДА ЙЎРГАКЛАНГАН ХАЛҚМИЗ

Ривожланган юрт деб танилган АҚШда бир қария вафот этади. Унинг бу ердан 120 километр узоқликда яшовчи ўғли онасига отаси вафоти муносабати билан таъзия изҳор этиб, шошилинчнома йўллайди. Мотам маросимига тўпланганлар буни эшитиб 14 йил мобайнида ота-онасидан бирор марта ҳам хабар олмаган, ҳатто отаси ўлгандан сўнг ҳам келишни ўзига раво кўрмаган йигитни "қандай вафодор ўғил-а, таъзия билдирибди" дея олқишлашади.

Ана шундай хабарларни эшитгач ёки ўқигач, ўз урф-одатларимиз, кўпларники билан сира таққослаб бўлмайдиган қадриятларимиз ҳақида ўйлаб қоламан ҳамда ўзбеклигимга, шу Ватанда туғилиб ўсганим, одамгарчиликнинг ҳар бир қоида-қонунини ўз ўрнига қўйишни биладиган, уни одат қилиб олган ота-боболаримиз авлоди эканлигимга шукрона айтаман.

Яқинда Қарши шаҳридаги Чақар маҳалласи фуқаролар кенгаши раиси Норгул Мустафоқулова билан кўча айландик. Муюлишлардан бирига етганда узр сўраб: "Кечирасизлар, шу хонадонга беш дақиқага кириб чиқишим зарур" деб қолди. У анчагина хафа, ҳатто кўзлари намланган ҳолда чиқди хонадондан. Бунинг сабабини сўрадик.

— Инсон ҳаётида кўргуликлар жуда кўп экан, — деди у куйиниб. — Шу хонадонда эр-хотин жуда иноқ яшашар, Аллоҳдан тилаб олган биргина қизлари бор эди. "Дард филни ҳам пашша қилади" деганларидек, бу бало қаердан келди-ю, эр-хотин касалманд бўлиб қолишди. Умрлари қисқа экан, аввал эр, қирқ кун ўтмасдан хотин ҳам бандаликни бажо келтирди. Вояга етмаган қизгина ёлғиз қолди. Ҳар қанча қуллуқ қилсам арзийди ҳожатбарор халқимизга. Жамики, мотам харажатларини маҳалладошлар кўтаришди. Орзигул бу айрилиқ юкини кўтара олмади, оғир касалликка чалинди. Бир ойдан ортиқ касалхонада ётди. "Бу ерда ортиқча қолмайман, нима бўлса ҳам, уйимга кетаман" деб кўнмагач, олиб келдик. Қўни-қўшнилар, мактабдаги синфдошлари навбатма-навбат қараб туришибди. Ҳар куни 3-4 маҳал келиб хабар оламан. Аҳволи яхши эмас, қачон келмай, қизгинани кўриб кўнглим бузилиб, узоқ вақт ўзимга келмайман. Қўлимиздан келган чорани кўраяпмиз, Аллоҳнинг раҳми келсин.

Маҳалла оқсоқоллари ҳамиша ана шундай ғам-ташвиш, савобга дахлдор юмушлар билан юришади. Шаҳардаги қадимий Чармгар маҳалласида 32 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, якка-ёлғиз, касалманд қария бор. Маҳалла оқсоқоли бу хонадонларга кунора кириб хабар олиб туради. Ташвиши ортиб кетган кунлари дарҳол маҳалла жонкуярларидан бирини жўнатиб, улардан аҳволни билгачгина, тиниб-тинчийди. Бизнинг одамлар шу руҳда йўргакланган, инсонларга ҳурмат, меҳр-мурувват кўрсатиш руҳи билан тарбияланган.

Ўрни келганда бир қатор ташкилотлар қатори "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари вилоят бўлимларининг аҳолининг ночор қатламларига ёрдам кўрсатиш борасида олиб бораётган ибратли ишларини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Жумладан, ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида "Нуроний" жамғармаси бу савоб ишга 378 миллион сўм, "Маҳалла" жамғармаси эса 2,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлади. Демак, неча-неча юзлаб ўксик дилларга йўл топилди. Бу йил — Ижтимоий ҳимоя йилида бундай ёрдамлар кўлами янада кенгаяди.

Жорий йил Юртбошимиз ташаббуси билан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб номланди. Нега, бизда ижтимоий ҳимоя оқсаётган эдими? Асло, унга ҳамиша биринчи даражали вазифа деб қаралган ва шундай бўлиб қолади. Гап шундаки, "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш" дея мақсад ифода этилган Республика Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида. Бундай ўйлаб қарасак, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва салламнинг "Ҳадис"ларида ҳам худди шундай ғоялар илгари сурилади. Демак, мақсад муштарак — инсон манфаати, яхшилик, адолат, савоб ва эзгулик.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Тошкент шаҳри

Сергели туманидаги Бобур номли маҳалла ҳудудида 55 та кўпқаватли уй жойлашган. Одатда кўпқаватли уйлардан иборат маҳаллада майда тартиббузарликларнинг олдини олиш, айниқса, ўйинқароқ ёшларнинг хатти-ҳаракатини назорат қилиб туриш осон иш эмас. Шуни эътиборга олган йиғин раиси Эътибор Ҳолиқулова маҳалла фаоллари, турли йўналишдаги комиссиялар раислари, посбонлар ва кўчабошилар билан ҳамкорликда ишни шундай йўлга қўйганки, маҳалла ҳудудидаги ҳар қандай ноҳўя хатти-ҳаракат ҳақида тезда уларга маълум бўлади. Йиғин тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ҳудуддаги таянч пункти профилактика нозири ҳам ҳамиша ҳушёр.

СУРАТДА: *маҳалла йиғини раиси Э.Ҳолиқулова ва ободонлаштириш комиссияси раиси Эргаш Шожалиловлар профилактика инспектори билан маҳалла осойишталигини таъминлашга доир масалаларни муҳокама қилмоқда.*

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Уққанга балли!

Ота-боболаримиздан қолган "Узоқнинг буғдойидан, яқиннинг сомони яхши" деган пурмаъно нақл бор. Бу нақл жуда билиб айтилган экан-да.

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

ёки ўз юртидаги эркин меҳнатнинг қадрига етмай дарё бўйида йиғлаганлар

... Иморат устачилиги орқасидан туппа-тузук рўзғор юритаётган, жуда бадавлат бўлмаса-да, оиласи билан тўкислигина яшаётган Ҳалимжоннинг (исми ўзгартирилган) қўшни мамлакатга, тўғрироғи Қозоғистонга ишга кетаётганини эшитганлар жуда ҳайрон бўлишди. Ахир атрофда бунёдкорлик ишлари авж олган, Ҳалимжондек усталарга иш серобку! Ҳа, айримларнинг "уч-тўрт танга" ишлаб келгани ҳақидаги ёлғон-яшиқ аралаш гаплар қулоғига чалингач, Ҳалимжон ҳам қўшни мамлакатда "ёлланиш" тараддудига тушиб қолди. Одатда эркак кишининг бундай қарорга келишига баъзан хотинининг "Фалончага ўхшаб сиз ҳам кўпроқ пул топиш пайидан бўлмайсизми?" қабилидаги гаплари ҳам сабабчи бўлади. Лекин унинг хотини Наргиза бундай талаблар қўйиш у ёқда турсин, эри кетиш ҳақида гап очганда "Қўйинг, дадаси, шу ерда топганингизга ҳам шукр қилиб яшайлик", дея Ҳалимжоннинг ҳовурини босмоқчи бўлди. Ҳалимжон эса ўз билганидан қолмади...

Тез орада у ўн-ўн беш чоғли одамга қўшилиб, Қозоғистоннинг Еттисой деган жойига йўл олди. Уларга йўлбошловчилик қилган одам манзилга етгач, ҳаммаларини Ботир исмли фермер ихтиёрига топширди-ю, ортига қайтди.

Ботир деган кимса дастлаб уларнинг кўнглини кўтарди. Беш кун мобайнида кунига икки маҳал иссиқ овқат билан сийлади. Эркагу аёлларга алоҳида вагонларга жой қилдириб, катта ваъдалар берди. 250 гектар пахта экилган майдонни кўрсатиб, шу ернинг чопиғи учун ёлланганларга мўмай пул тўлашини айтди.

Улар 250 гектардаги ғўзани чопиқ қилишга киришдилар. Келинг, ушбу ҳикоянинг давомини Ҳалимжоннинг ўзидан эшитайлик:

— Офтобнинг иссиғида роса адабимизни едик. Катта бочкага сув солинган, шу сув тугагунча 10-15 кун ундан фойдаланардик. Сув узоқ турганидан сасиб кетарди. Ёнимизда дарё оқиб ўтса-да, ичишга яроқсиз эди. Катта майдонга экилган ғўзани астойдил чопиқ қиламиз-у, пулдан дарак йўқ. Кетайлик десак, бизни ёллаган одам бу ерга келган кунимизоқ паспортимизни олиб қўйган. Иш ҳақимизни талаб қилсак, "тола пули келса, берамиз", дейишдан нарига ўтмайди. Куни бўйи куйиб-пишиб ишлаб, тушликда бир маҳал суюқ макарон овқат ичардик. Қорнимиз шунчалик очиққанидан, ювиндисифат бемаза таом ҳам оғзимизга мазали туюларди.

Орамизда синглиси, опаси ёки акаукалари билан бирга келганлар кўп эди. Улар бир-бирига далда бўлар, менга ўхшаб ёлғиз келганлар кундузи офтоб тиғида, кечалари афсус-надомат ўтида қовриларди. Тунлари дарё бўйига чиқиб, "Ота-онамиз, болаларимиз ҳузурига соғ-саломат етиб, дийдорларига тўярмиканмиз", деб йиғлаб тонг оттирган тунларимиз бўлди. Устачилигимни қилиб, хотиним, болаларим бағрида тинчгина уйимда яшасам бўлмасмиди, деб ўзимни-ўзим қаттиқ койирдим. Шерикларимнинг кўнглидан ҳам шундай ўйлар ўтаётганини билиб турардим.

Иш ҳақимизни ҳадеб талаб қилаверганимиздан кейин Ботир деган "тош" эриди. Икки ойлик меҳнатимиз учун ҳар биримизга 50 минг сўмдан пул берди! Ҳамма уйига отланди. Ботир тўрт кишини ёнига чақириб, "Қолган пулни олиб кетасизлар", дея алдаб олиб қолди. Унинг алдаётганига фаҳмимиз етса-да, паспортимизни бермагани учун чорасиз эдик. Тўртовлон эртадан кечгача кўсак қуртини тера бошладик. Бир куни Ботир келиб "Қачонки майдондаги кўсак қуртини териб берсанглар, паспортларингни бераман, кетаверасизлар", деди қатъий оҳангда. Меҳнат ҳақимизнинг қолган қисми ҳақида у ҳатто сўз очгани ҳам йўқ, биз ҳам гапирмадик. Ғўллигимиз туфайли йўлиққан бу азобларимиздан қутулганимизга шод эдик.

Паспортимизни қўлга киритиб, темир йўли бўйлаб уч соат тўхтовсиз йўл босдик. Ҳориб, чарчаб чегарага аранг етиб келдик. Божхонадан ўтиб, юртимизга қадам босганимизда кўзимиздан тирқираб ёш қуйилди.

Аллоҳга шукр, ҳозир устачиликни яна давом этказаяпман. "Ҳар ерни қилма орзу..." деб шунга айтсалар керак-да. Киндик қонинг тўкилган Ватанингда меҳнат қилиб, яшаш гашти барибир бошқача экан.

Халқимизда чин ковушини тўғрилагунча, ёлғон етти маҳаллани айланиб улгуради, деган гап бор. Қанийди, хорижга бориб бойиш ҳақидаги афсоналарга ишонаётганлар ҳам бу ҳақда аввал бир ўйлаб кўришса.

Бахтиёр ЖОЛЧУЕВ

Олам турфа

ШИЛЛИҚҚУРТГА ҚАРШИ ТИПРАТИКАН

Чиғаноқли шиллиққуртлар, айниқса, ёғин-сочинли кунларда жуда кўпаяди. Уларнинг сабзавот экинларига зарари эса янада ортади. Уларга қарши ишлатиладиган кимёвий восита юқори натижа бермайди, бунинг устига теварак-атрофга зарарли. Хўш, нима қилиш керак?

Англияликлар бунинг йўлини топишди. Улар экин майдонларини типратиканларга ишониб топшириб қўйишади.

Маълум бўлишича, тиканли "овчи"ларнинг бир оиласи 0,2 гектар майдонни чиғаноқли шиллиққуртлардан бемалол тозалай оларкан. Англияда ҳатто типратиканларни кўпайтирадиган ва халққа сотадиган махсус фермалар ҳам ташкил этилган.

ТАХМИН УЧУН "ТОЙОТА"

Австралияда ўтказилган филателия кўргазмасида Японияннинг "Тойота" енгил машинаси қўйилиб, унинг теварак атрофига турли мамлакатлар почта маркалари ёпиштирилганди.

Машинадаги маркалар сонини кўз билан чамалаб, тўғри айтиб берган киши ғолиб ҳисобланиб, унга "Тойота" бепул берилади. Ушбу кўргазма аттракционда 15 мингдан ортиқ киши иштирок этди. "Тойота" Австралиянинг Кресвин шаҳрида яшовчи Кристофор Келфид исмли кишига топширилди. У 17422 та марка борлигини айтган. Ваҳоланки, машинада 17421 та марка бор эди.

Тошкент шаҳри

Маслаҳатчилар учун ўқув-машғулотлари

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишловчи ходимлар фаолиятини тўғри ташкил этиш, таъсир кучини ошириш учун энг аввало, уларнинг диний маърифат ва тарбия борасидаги билим ва кўникмаларини бойитиш, кенгайтириш лозим бўлади. Жойларда турли давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида маслаҳатчилар учун ташкил этилаётган турли ўқувлар, семинарлар ана шу мақсадга қаратилмоқда.

"САОДАТ ЧАМАНИ" МАЪРИФАТГА ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, туман Хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият-тарғибот" маркази, туман прокуратураси, туман Ички ишлар бўлими, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси, "Камолот" ЁИҲ туман бўлими, "Оила" маркази, Тошкент Ислом Университети ҳамда Ғ.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ўзаро ҳамкорликда тумандаги маҳаллаларнинг маслаҳатчилари учун "Саодат чамани" номли ўзига хос ўқув тадбирларини ташкиллаганлар. Бу ўқув машғулотлари икки йилдан буён юритилмоқда. Айни кунда бу машғулотларда нафақат диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, балки турли ёшдаги хотин-қизлар, фаол ва илғор аёллар ҳам қатнашмоқда.

— Бу ўқувларни фуқароларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий ва ҳаёт сабоқлари бўйича саводхонлигини ошириш ниятида ташкил этганмиз, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. — Машғулотлар давомида турли адабиётлардан фойдаланамиз. Айниқса, Юртбошимизнинг "Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда" асари бизга қўл келмоқда. Шунингдек, миллий ватанпарварлик руҳидаги кино, видеофильмлар ва спектакларни намойиш этиш ўқувларнинг қизиқарлилиги ва таъсирчанлигини таъминламоқда.

Яқинда навбатдаги ўқув тадбири тумандаги Самарқанд дарвоза маҳалласи гузарида бўлиб ўтди. Унда туман "Маънавият-тарғибот" маркази раҳбари С.Ҳамидова ва Тошкент Ислом университетининг профессори З.Исломовлар Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳияти ва "Тошкент — Ислом маданиятининг пойтахти" мавзусида маъруза қилишди.

Бундай машғулотлар жорий йил давомида ҳар ойда икки марта, Самарқанд дарвоза ва Исломобод маҳалласи гузарларида ўтказилиши режалаштирилган.

Наргис БЕРДИБОЕВА.

СУРАТДА: *ўқув машғулотлари иштирокчиларидан бир гуруҳи.*

Ёшлар тақдирига бефарқ бўлолмаймиз

Андижон вилояти

ТАЛАБАГА ТАКЛИФ ТУШСА...

у фирибгарнинг тузоғига тушиб қолмасин

Яқинда Андижон давлат Тиббиёт институтида "Ёшлар тарбиясида ота-она ва жамоатчилик ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси, "Оила" илмий-амалий маркази вилоят бўлими ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши мутасаддилари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, ёшларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталдилар. Шунингдек, бугунги кунда айрим кимсаларнинг мўмай даромад топиш тўғрисидаги чўпчакларига алданиб, хорижга кетаётган ва у ердан турли қийноқларга дучор бўлиб қайтиб келаётган ҳамюртларимизнинг (айниқса, ёш қизларимизнинг) аянчли тақдирлари ҳақида ҳам сўз борди.

Ўз навбатида, агарда талаба-ёшларга чет элда ишлаш таклифи тушса, аввало уни яхшилаб ўрганиб, керак бўлса, тегишли ташкилотларнинг ишонч телефонларига қўнғироқ қилиб, ҳуқуқий маслаҳат олиш лозимлиги тушунтирилди. Бундан ташқари, суҳбат чоғида талабалар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди.

Тадбир сўнгида талабалар ўртасида вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази ҳамда Маънавият-тарғибот маркази томонидан ёш оилаларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш мақсадида тузилган ижтимоий сўров ўтказилди.

Омонулла АБДУСАЛОМОВ,
Андижон Давлат Тиббиёт институти ходими.

Сурхондарё вилояти

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

**** Йилнинг тўққиз ойи — қор ва ёмғирли кунлар***

**** Боғдорчилик ва асаларичилик — асосий даромад манбаи***

ХОНЖИЗЗА СЎҚМОҚЛАРИДА...

Сурхондарёнинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари ўзига хос иқлим шароити, турмуш тарзи билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Бу ерда яшаш, унинг иқлим шароитига кўникиш аҳолидан анча сабр-тоқатли, айни пайтда табиат инжиқликлари билан басма-бас чора-тадбирли бўлишни талаб этади. Сабаби, йилнинг кўп қисмида ҳудудда ёғинсочинли кунлар ҳукмронлик қилади. Бу Узун туманининг Хонжизза қишлоғидир.

Хонжизза ҳаёти билан танишар эканмиз, маҳаллий аҳолининг меҳмондўст ва ширинсўз, меҳнаткаш ва меҳридарё одамлар эканлигига амин бўлдик.

Қишлоқ тоғ ёнбағрида жойлашганлиги сабабли, бу ерда деҳқончилик қилишдан кўра, боғдорчилик билан шуғулланиш учун имкониятлар кенгроқ. Шу боис ҳам аҳолининг асосий қисми боғдорчилик ва асаларичилик билан шуғулланар экан. Уларнинг даромад манбаи ҳам ана шу. Қишлоқдаги қарийб 350 гектар боғ 270 нафар оилавий пудратчилар ихтиёрида. Улар боғдаги дарахтларни ўз вақтида парваришлаб, аҳолига мазали ва сифатли, рақобатбардош мева етказиб бериш мақсадида тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Шу боис ҳосил унумдорлиги ҳам йилдан-йилга ортиб боряпти. Хусусан, 2005 йилда 800 тонна мева етиштирилган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 1000 тоннани ташкил этди. Қутбиддин Фозилов, Пўлат Ёқубов, Ражабали Қорабоевлар юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган пудратчилар ҳисобланади.

Бундан ташқари, энг хушбўй ва хушхўр асал ҳам Хонжизза гиёҳларидан олинади. Қишлоқдаги 18 нафар болчи асаларичилик билан банд. Ўтган йилда улар 5,5 тоннага яқин асал тайёрлашди.

Боғбон ва асаларичилар олаётган маҳсулотлари ва даромадларининг бир қисмини хайр-саховат ишларига йўналтиришга одатланишган. Жумладан, Л.Назаров 10 та кам таъминланган оилага 20 кг. асал улашган бўлса, К.Аюбов асал ва мева савдосидан тушган даромадининг 35 фоизини қишлоқ врачлик пункти қурилишига ажратди.

Бу ерда биргина Хонжизза эмас, балки Деҳаи, Сурх, Чош, Пасти калом, Қарсак, Кўзак қишлоқлари ҳам бир-бирига бақамти жойлашган. Хонжизза маҳалласига айни пайтда Сувонқул Маматқулов раислик қилади. Йиғин фуқароларининг турмуш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда М.Ҳамроев, Ш.Одинаев, Ф.Дўстмуродова, О.Шоқулова, С.Ашурова, Р.Маматқулова, М.Остонова каби фаоллар оқсоқолга мададкор бўлмоқда. Шунга қарамай, маҳалланинг ўзига яраша муаммолари ҳам мавжуд. Энг асосий муаммолардан бири — электр энергияси таъминотидаги узилиш. Бундай узилишнинг сабабини суриштирсангиз, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш баҳона қилиб кўрсатилади. Тўғри, бу усул бир жиҳатдан электр энергияси сарфини камайтириши мумкин, бироқ бу ўз навбатида аҳолига, айниқса, бемор ётган, ёш болали ва қарияси бор оилаларга ноқулайлик туғдиради-ку. Наҳотки, электр қувватини тежашнинг бошқа йўли бўлмаса?

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

Риштон тумани Қирғизистон Республикаси билан 26,5 километр масофада чегарадош. Туманга қарашли Зарариқ, Боғистон, Навбаҳор, Қошқайрон, Қози Аҳрор, Қалайнов номли маҳаллалар айнан шу чегара ҳудудда жойлашган.

ЧЕГАРАДАН ЎТГАН КИМ?

шу ҳудудда яшовчи маҳалла фаолларининг яна бир юмуши шундай!

Чегаралардан товар-моддий бойликларининг ноқонуний равишда олиб ўтилишига йўл қўймаслик чораларини кучайтириш ва чегарачилар билан маҳаллий аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилади.

Лекин шунга қарамасдан, айрим фуқаролар томонидан чегарачиларни чалғитиб, айланма йўллар орқали ҳар хил моддий-товар бойликларини ноқонуний ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиш ҳоллари учрамоқда. Бу билан улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузишмоқда. Жумладан, 2006 йилда туман ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жами 228 та ҳолатда 115 миллион сўмликдан ортиқ ноқонуний мол-мулклар ушланиб, давлат фойдасига мусодара қилинган. Бу ноқонуний иш билан доимий шуғулланиб юрган фуқаролар рўйхатга олиниб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилган. Бироқ бундан ўзларига тегишли хулоса чиқармай, қинғирликка қўл ураётганлар ҳам бўлаяпти. Энг ачинарлиси, уларнинг баъзилари ана шу чегарага туташ маҳаллаларда истиқомат қилишади. Яъники, қонунбузарлик, ҳуқуқбузарлик оқибатлари, чегара бузилиши энг аввало ўз маҳалласи осойишталигига путур етказишини яхши англашади. Ҳатто чегарадан ноқонуний равишда ўтиб, қилмишига яраша жазосини олган айрим фуқаролар тақдиридан ҳам яхши хабардор. Бироқ...

Шу ўринда савол туғилади: хўш, уларни ана шундай йўлдан қайтариш учун қандай самарали чора-тадбирларни қўллаш лозим? Табиийки, бу ҳолатда маҳаллаларнинг, жамоатчилик фаолларининг тарғиботчилиги зарур. Шу муносабат билан Риштонда чегарадан ноқонуний равишда ўтиш ёхуд турли моддий-товар бойликларини олиб ўтиш билан боғлиқ ҳолатлар вилоят ва туман ҳокимликларида, вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг раёсат йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинмоқда. Хусусан, яқинда тумандаги 28-ўрта мактабда Қалайнов номли маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва мактаб жамоаси иштирокида ўтказилган йиғилишда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Турсунжон Худойберганов ана шундай воқеалар тафсилотини атрофлича шарҳлаб берди ҳамда маҳалла, ота-оналар ва ўқитувчилар олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Айни кунларда вилоятнинг Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларига туташ шаҳар ҳамда туманларида чегарачилар билан маҳаллий аҳоли ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама мутсаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Хива ҳунармандчилиги тарихи ва бугун

УМРИ УЗУН, МАНЗИЛИ ЧЕКСИЗ

Хива шаҳри қадимдан йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири ҳисобланиб келади. Хивалик ҳунармандлар тайёрлаган турли хил зеб-зийнат, гўзал ва пишиқ уй-рўзғор буюмлари билан бутун Шарқда машҳур бўлган.

Архив маълумотларида Хива ҳунармандлари тайёрлаган буюмларнинг бир қисми атроф вилоятларга, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Қашқар давлатларига чиқарилганлиги ҳақида маълумотлар бор. XVIII асрнинг охири XIX асрнинг ўрталарига келиб, Хоразм ўлкасида — хонликда ҳунармандчиликнинг гилам ва палос, ип-газлама, ипак, шойи, қоракўл тери, мисгар, заргар, тикувчилик, пўстиндўзлик, кўнчилик, пойафзал тайёрлаш, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги, мармарга бадиий ишлов бериш сингари соҳалари яхши ривожланган эди. Тарихий маълумотларга кўра, XIX асрнинг 60-йилларида Хивада 26 та дурадгорлик, 38 та мисгарлик, 12 та заргарлик, 18 та кўнчилик, 60 та бўёқчилик, 40 та этикдўзлик, 28 та ипак ўраш, 20 та гиламчилик устахоналари ишлаб турган. Тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари хонликнинг йирик шаҳарларидаги бозорларда сотилган. 1870 йилда Хива шаҳрида 400 та, Хазорасп да 400 та, Хўжайли ва Тошҳовузда 300 тадан, Гурланда 200 та, Қўғиротда 315 та, Кўҳна Урганчда 100 та, Шоҳобод ва Шоҳаббосда 34 тадан савдо дўконлари ва расталари бўлган.

Бу ердан ташқари, карвонсаройларда 105 та савдо растаси, 15 дан ортиқ Чорсуда 3 тадан то 30 тагача дўкон жойлашган.

Хонлик бўйича 2000 дан ортиқроқ дўконларда қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари, шунингдек, ҳунармандчилик буюмлари сотилган. Умуман, хонликдаги бозорларнинг кўпчилиги катта майдон ва марказий кўчаларда жойлашган бўлиб, доимо харидорлар билан гавжум бўлган. Хоразмнинг йирик шаҳарларида,

бозор ичи ва ташқарисида жойлашган ҳунармандчилик корхоналари ва устахоналари, жумладан, темирчилик, заргарлик, мисгарлик, дурадгорлик, пойафзал тайёрлайдиган дўконлар усти ёриқ бўлиб, буюмлар шу ерда тайёрланиб, харидорларга сотилган.

Хива хони Оллоқулихон (1825-1842 й.й) хонликда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқни ривожлантириш учун улкан карвонсарой, усти ёпиқ (тим) бозорлар қурдирган. Айни бир вақтда ички ва ташқи савдони, Россия ва қўшни давлатлар билан савдо ва элчилик муносабатларини ривожлантирган. Урганч ва Хивага Ҳирот, Машҳад ва Марвдан тўхтовсиз савдо карвонлари турли хил моллар билан келиб турган.

Иш қуролларининг оддийлиги, техникавий жиҳатдан қолоқлигига қарамай, Хива ҳунармандлари ажойиб амалий санъат асарларини яратиб, ташқи бозорда катта шуҳрат қозонган.

XX асрнинг бошларига келиб, Хива хонлигининг шаҳарларида тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари нафақат Россия шаҳарлари ва атроф жойларга, балки хорижий мамлакатларга ва у ерларда ташкил этилган ярмарка ва халқаро кўргазмаларга ҳам чиқарилганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган. Хивадан Астробод, Машҳад, Қандаҳор, Ҳирот, Мозори Шариф шаҳарларига ҳар йили 200-300 туя савдо карвонлари турли товарлар келтирган. 1910 йилдан бошлаб Хивадан сифатли беда уруғи Америка, Германия, Италия ва Францияга жўнатилиб турилган. XX асрнинг кейинги йилларида ҳам Хива қўшни давлатлар, Россия ҳамда бошқа хорижий мамлакатлар билан савдосотиқ ишлари давом эттириб, ўзининг турли хил сифатли ва харидоргир маҳсулотлари билан таъминлаб турган. 1920 йилга келиб Хоразм вилоятида 170 та темирчилик, 169 та этикдўзлик, 300 та терига ишлов берадиган, 78 та дурадгорлик, 20 та ипак ва шойи тўқийдиган устахоналар фаолият кўрсатган. Хоразм вилоятидаги иккинчи йирик ҳунармандчилик ва савдо маркази ҳисобланган Хонқада 12 та савдо уйи ва 700 та айвонда савдо ишлари олиб борилган. Бу ерда тери ишлаш, кўнчилик жуда яхши ривожланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда халқ амалий санъати — ҳунармандчиликнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратилди, якка тартибда фаолият кўрсатаётган ҳунармандлар учун шароитлар яхшиланди. Ишлаб чиқарилаётган ҳунармандчилик буюмларининг сифати яхшиланиб, жаҳон бозорида, халқаро ярмарка ва кўргазмаларда юқори баҳоланаётганлиги юртимизда бу соҳа янги шакл ва мазмун билан ривожланаётганлигини исботламоқда. Яқинда Туркиянинг Анқара шаҳридаги Ота Турк номли маданият марказида Халқаро халқ амалий санъати кўргазмаси очилди. Унда Республикамиз ҳунармандлари қаторида хоразмлик усталар томонидан яратилган кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги намуналари ҳамда бежирим ва чиройли гиламлар намойиш этилди. Раҳимберди Матжонов ва Султон Отажоновлар яратган зангори кулолчилик маҳсулотлари, М.Султонова, С.Искандарова, Г.Жуманиёзовалар тўқиган ўзига хос гиламлар, Х.Ёқубовнинг нақшинкор қутичалари кўргазмадан жой олди ва юқори баҳоланди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Андижон вилояти

Маҳаллада нима гап?

ПОСБОНЛАР — ЗАРБДОРЛИКЛАР ТАЯНЧИ

Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини Асака туманидаги аҳоли кўп истиқомат қиладиган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ердаги маҳаллалар осудалигини сақлашда посбонларнинг ўрни катта. Хусусан, Файзобод маҳалласида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам таҳсинга лойиқ.

— Маҳалламиз посбони Насибилло Усмоновнинг тиришқоқ ва изланувчанлиги туфайли унга ҳурматимиз баланд. Насибилло ибратли ишлари учун "Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги" кўкрак-нишони билан тақдирланди, — дейди маҳалла оқсоқоли Абдумажид Айсаров.

Зарбдор қишлоқ йиғинидаги 6 нафар маҳалла посбонининг тинимсиз хизмати туфайли ҳудудда қонунбузарлик ҳолатлари йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Умаржон АБДУЛЛАЕВ.

Асака тумани.

Жиззах вилояти

Истиқлол имкониятлари

КАСАНАЧИЛАР ИҚБОЛХОН КЎМАГИДА

Мирзачўл туманидаги кўрпа-тўшаклар, болалар кийимларини тикиш билан шуғулланувчи "Иқболхон-Маржона" хусусий корхонаси ўтган йилни 2 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Мазкур корхона раҳбари Иқболхон Ахронова ҳудуддаги ташландиқ бинони ўз ҳисобидан таъмирлаб, уни тикувчилик цехига айлантирди. Цех замонавий тикув машиналари ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозланган. Ҳозирда бу ерда ўн икки нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Шунингдек, яна 16 нафар касаначи аёл шартнома асосида ишга жалб қилинган.

— Аёлларни рўзғордан ажралмаган ҳолда иш билан таъминлаш корхонамизга ҳам жуда қўл келмоқда, — дейди Иқболхон. — Чеварларимиз тикаётган кўрпа-тўшак, болалар кийимлари ва тўй либосларига харидорлар ўртасида талаб кучайиб, даромадимиз ҳам ортмоқда. Бу нафақат корхонани ривожлантириш, балки ҳудуддаги кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш имконини ҳам бераяпти.

Вилоятда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 19 мингга етди. Мавжуд корхоналарда 22 минг нафар киши иш билан таъминланган. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга кредитлар ажратилмоқда.

Манба: «Region.uz»

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪВИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ҳафта давомида ишда анча фаоллашасиз. Молиявий масалаларда омад кулиб боқади. Шанба куни дўстларингиз билан учрашишингиз мумкин. Якшанбада эса ўз билимингизни оширишга эътибор беринг.

СИГИР(22.04-20.05)

Шу кунларда дўстларингиздан қарз олмаганингиз маъқул. Пайшанбада сафарга чиқиш учун қулай имконият туғилади. Дам олиш кунлари рўзғор ташвишлари билан банд бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ушбу ҳафтада бошлиғингиз сизнинг янги ғояларингизни қўллаб-қувватлайди ва бундай фаоллигингиз бесамар кетмайди. Дўстларингиз билан учрашганингиз ёки спорт билан шуғулланганингиз маъқул.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳамкасбларингиз ва оила аъзоларингиз билан муносабатда муросалироқ бўлинг. Шанба куни соғлиғингизга жиддий эътибор қаратганингиз маъқул.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта бошида сиз сафарга, шу жумладан, хориж сафарига чиқишингиз мумкин. Жумада қўшимча даромадли иш юзасидан тушган таклифларни қайта кўриб чиқиш имкони туғилади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Чоршанбада эса севган кишингиз билан тортишмасдан, куч-қувватингизни ижод қилишга сарфланг. Ҳафта охирида ҳамкорлик юзасидан таклифлар тушиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни кунларда асосий эътиборни иш-фаолиятингизга қаратинг. Чоршанбада молиявий аҳволингизни яхшилаб олиш учун қулай фурсат туғилади. Дам олиш кунларида саёҳатга чиқиш ҳақида ўйлаб кўринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафта давомида молиявий масалаларни ҳал қилиб олишингиз лозим. Зиддиятли вазиятларни тинчлик йўли билан бартараф этишда сабрли бўлганингиз маъқул. Пайшанба ҳамкасблар билан маслаҳатлашиш учун жуда қулай.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ҳафта бошида кўпроқ рўзғор юмушлари билан банд бўласиз. Уйингизнинг жиҳозланишига бироз ўзгартириш киритинг. Бунга оила аъзоларингизни ҳам жалб қилинг. Ҳафтанинг қолган қисмини фарзандлар тарбиясига бағишланг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда кўчмас мулк билан боғлиқ таклиф тушиши ва шу орқали яхшигина даромад орттиришингиз мумкин. Пайшанба ва жума ижодкорлар учун сермаҳсул кун бўлиши кутилмоқда, ундан унумли фойдаланиб қолинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ҳафта бошида ҳеч қандай молиявий шартномаларни имзоламаганингиз маъқул. Банк билан боғлиқ ишларингизни ҳам кейинроққа қолдиринг. Ҳафтанинг иккинчи ярми яна одатдагидек ўтади.

БАЛИК (19.02-20.03)

Умуман олганда, ҳафта жуда омадли бошланади. Уни шу тарзда давом эттириш эса ўз қўлингизда. Иш фаолиятингиздаги айрим масалаларнинг ечими ҳам сизга боғлиқ.

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

"НАФИС"НИНГ НАФИС ЧИННИСИ

Самарқанд аҳли қадимий ва навқирон шаҳарнинг 2750 йиллигига қизғин тайёргарлик кўраётган айни кунларда юбилей муносабати билан шаҳардаги "Нафис" ҳиссадорлик жамияти 26 турдаги бир-биридан чиройли чинни буюмлар ишлаб чиқаришга киришди. Ранг-баранг кўзалар, гулдонлар, ликопча ҳамда ошхона идиш-товоқлари, шарқона чинни тўпламлари шулар жумласидан.

Айниқса, буюк аждодларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек сиймолари суратлари акс эттирилган чинни буюмлар алоҳида эътибор ва эътирофга муносиб.

СУРАТЛАРДА: *корхона маҳсулотларидан намуналар;*

"Нафис" ҳиссадорлик жамияти рассоми Майя Ким.

Т.Норқулов (ЎзА) олган суратлар.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

"Агар товар (иш, хизмат) дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт..."

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасидан.

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукусдаги Қорақалпоғистон Ўлкашунослик музейида мумтоз адабиётнинг намоёндаларидан бири Бердақ (Бердимурод) Қарғабой ўғлининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган махсус кўргазма очилди. Ундан шоир ҳаётига, XIX асрнинг 80-90 йилларига доир ўнлаб экспонатлар ўрин олган.

БЕРДАҚНИНГ ДУТОРИ

Музейга келувчилар диққат-эътиборини экспонатлар орасидаги Бердақнинг шахсий дутори жалб қилади. Шоирнинг мазкур мусиқа асбоби бир неча ўн йиллар қатор шеърларини, достонларини куйлашда булбулдек сайраган.

Унинг сеҳрли дуторидан фарзанди "Қиз бахши" номини олган Хуриламон, кейинчалик "Қорақалпоқ булбули" деб ном олган Қоражон бахшилар фахр билан фойдаланганлар.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Футбол оламида

"ИСТИҚЛОЛ" ЎЙИНДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

ёки муддатидан олдинги ғалаба: «Пахтакор—Истиқлол» — 3:0

Маълумки, жорий йилнинг 7 март куни Осиё чемпионлар лигаси мусобақалари бошланади. Мазкур мусобақада иштирок этиш учун жамоалар аввало Осиё Футбол Конфедерациясига керакли ҳужжатларни жорий йилнинг 11 февралигача топширишлари лозим эди.

Бироқ шу муддат ичида Эроннинг "Истиқлол" жамоасидан ОФКга тегишли талаблар бажарилган ҳужжатлар келиб тушгани йўқ. Шу сабабли, Конфедерация бу жамоани мусобақадан четлаштирди. Шундай қилиб, энди В гуруҳи учта жамоадан иборат — "Пахтакор" (Ўзбекистон), "Қувайт" (Қувайт) ва "Ал-Ҳилол" (Саудия Арабистони).

Конфедерациянинг ушбу қарорини изоҳлаб, ОФК президенти Муҳаммад Бин Ҳаммом шундай деди: "Жамоалар ОФК мусобақалари регламентига тўлиқ риоя қилишлари шарт. Аризани белгиланган муддатда топширмаслик эса жиддий қоида бузишдир. Чемпионлар лигаси — Осиё футбол клубларининг энг асосий мусобақаси ҳисобланади. Шу боис мусобақа регламентига лоқайдлик билан ёндашган жамоалар бундай муҳим турнирда қатнашиш ҳуқуқига ҳам эга эмаслар.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилги мусобақаларда ҳам худди шундай масъулиятсизлиги учун Таиланд, Индонезия, Яман ва Уммон чемпионлари ўйиндан четлатилган эди.

Ажабланарли тафсилотлар...

БАСКЕТБОЛ — ҲИНДУЛАР ЎЙИНИМИ?

Икки ярим минг йиллар муқаддам ҳиндулар "покта-пок" ўйинини ўйнашган. Яъни улар каучук шарларини баланд жойларга маҳкамланган ёғоч гардишларга иргитиб туширишган.

Шарни қўл билан ушлашга рухсат берилмаган, у фақат тирсак, тизза ва бўксса билан ўйналган. XVII асрда Русияда ҳам коптокни осма саватга ташлаш ўйини бўлган.

Агар буларни "ибтидоий баскетбол" деб атасак, ҳозир биз билган баскетбол 1890 йили АҚШдаги коллежлардан бирида пайдо бўлган ва ўша ерда инглизча "корзина" ва "тўп" сўзларидан "баскетбол" атамаси келиб чиққан. Илк баскетбол тўплари ҳозиргидек турли халқага эмас, балки шафтоли териладиган саватларга ташланган.

Ҳўрозлар одатда ярим тунда, сўнг тонг саҳарда қичқиради. Минг йиллар мобайнида улар одамлар учун уйқудан уйғотувчи вазифасини ўтаган.

САЙРАЙДИГАН ...СОАТЛАР ТАРИХИ

Кейинчалик жиринглайдиган соат ихтиро қилинган. Қизиғи шундаки, дастлаб бундай соатлар кишилар истаганда эмас, ҳар соатда жиринглайверган. Қадимги уйғотувчи соатлар қуйидагича ишлаган: махсус тайёрланган таёқчага металл шарчалар илинган ва таёқча ёқиб қўйилган. Ўт шарга етганда улар мис тоғорачаларга ёки чинни идишга жаранглаб тушган...

Ҳозир эса «будильник»лар жиринглабгина қолмай, белгиланган муддатда булбул бўлиб сайрайди, хўроз бўлиб қичқиради, ҳатто радио ва магнитафонни қўйиб гапиртиради.

О.АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Тошкент шаҳри

"ҚАЛБ ЭЪТИҚОДИ"да ҚАРОР ТАРҒИБОТИ

Маълумки, 2006 йил 25 августда Президентимиз томонидан "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарор қабул қилинган эди.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими томонидан мазкур Қарор ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмагида аҳолига етказиш ҳамда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар кўламини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Жумладан, бу борада "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлимига жамғарма қошида бир неча йилдан буён фаолият юритаётган "Қалб эътиқоди" маънавият тарғиботчилари давраси ҳам яқиндан ёрдам бераяпти. Даврага пойтахтимизда яшаб фаолият юритаётган олима, ёзувчи, шоира, маданият арбоблари, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос ва ҳаётий тажрибага эга бўлган бир гуруҳ аёллар жалб этилган.

Яқинда мазкур давра томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва 2007 йилга мўлжалланган тадбирлар режасини муҳокама қилиш мақсадида йиғилиш ўтказилди. Унда "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими мутасаддилари ҳамда "Қалб эътиқоди" давраси фаоллари иштирок этиб, Юртбошимизнинг юқорида қайд этилган Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар аёлларнинг жамиятда тутган ўрни тобора юксалиб, бунинг натижасида давлат ва жамоат ишларида хотин-қизларнинг фаол иштироки яққол кўзга ташланаётганлигини мамнуният билан эътироф этдилар.

Н.БЕРДИБОЕВА

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ томонидан 2006 йил "ADAMS PLYUS" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонасига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ТСЖ "ОБОД МАХАЛЛЯ КОММУНАЛ" Хамзинского района г.Ташкента переименован на ТЧСЖ "ОБОД МАХАЛЛЯ КОММУНАЛ".

Утерянный аттестат зрелости № АУ 280201, выданный в 1993 г школой № 7 им.В.И.Ленина Юкори Чирчикского района Таш.области на имя Целищева Евгений Леонидовича считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № TS 0509910 о праве собственности на квартиру выданный 30 апреля 2004 г. Мирабадским районом на имя Арифханова Азизхана Равшанхановича считать недействительным.

ДП "Мохамед Кахен Трейдинг Ко"га 2004 йил 23 январда расмийлаштирилган УС N 001795 сонли улгуржи савдо рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ДП "GROSSZET GmbH-Тошкент" Яккасарайского района (код по ОКПО 15734951) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации. Тел: 344-72-12

Ҳамза туманидаги "Беминнат коммунал" уй-жой мулкдорлари ширкати, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига айлантирилаётганлиги сабабли ширкатнинг думалоқ муҳри ва бурчак штампи бекор қилинади.

Утерянное свидетельство о выдании акции и регистрированные документы (рег. № 1030) выданное 25 марта 2005 г. Мин фином республики Таджикистан на имя Левина Семена Каралевича считать недействительным.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 2003 йилда Гаипова Гули Улашовна номига берилган В 113487 рақамли (рўйхат рақами 929) диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утеренные кадастровые документы № 11-184 выданное 2003 г. Управлением по земельному ресурсам и гос.кадастров на имя Каландаров Жахонгир Халимовичу на объект по адресу: ул.Тараса Щевченько дом 8 считать недействительным.

О О О "HOUSE ROOF" Бектемирского района г.Ташкента объявляет о снижении Уставного фонда с 60 000 000 сум до 45 000 000 сум.

Утерянный диплом № 948064 об окончании СПТУ-55 г.Ташкента выданный в 1988 г. на имя Пулатова Б.М. считать недействительным.

Утерянное свидетельство U N: 0411888, выданное 24 июля 2003 г. школой № 172 Яккасарайского района г.Ташкента на имя Хасанова Рината Раисовича считать недействительным.

Ушбу белги остида эълон қилинаётган мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди томонидан ажратилган грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси Хўжамулки маҳалласи оқсоқоли **Тўрақул ЭШМИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 21 февраль
8 (558)

18260 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-103 Топширилди — 22.30
2 3 4 5 6